

БАЁНИ

2003 йил 24 сентябр

Янгикургон кишлоғи

Йигилиш раиси

Б.Туракулов.

Йигилиш котиби

Ш.Якубова.

Иштирок этдилар : Туман прокурори М.Минавваров, комиссия раиси уринбосари М.Мамадалиев, комиссия аъзоларидан Х.Султонова, А.Буриев, М.Саидгозиев, Ш.Назаров. А.Кодиров, Н.Мирзажонова, Х.Ганиев, С.Сиддиков ва фукаро Абдураимовлар оиласи, туман солик инспекцияси вакили А.Абдурахмоновлар

КУН ТАРТИБИДА :

Туман прокуратурасининг 28.08.2003 йил кунги жиноят иши кузгатишни рад этиш хақидаги қарори тугрисида.

Кун тартибидаги масала юзасидан комиссия раиси Б.Туракулов сузи :

Хурмағли комиссия аъзолари! Комиссияга туман прокурорининг жиноят иши кузгатишни рад этиш хақидаги қарори келиб тушган. Яъни туман давлат солик инспекция ходимлари А.Абдурахмонов, У.Нишонов ва Р.Мамадалиевларни шу йилнинг 16-август куни назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика Кенгашининг 10.08.2002 йил кунги 4/1-сонли қарори ва қиска муддатли текширишларни утказиш шубҳасининг 2003 йил август ойи иш режасига ҳамда инспекция бошлигининг 262-сонли буйругига асосан тумандаги «Абдураим ота» хусусий фирмасига қарашли савдо дуконида текшириш утказишни бошламокчи бўлиб, соат 15.00 лар чамасида қиска муддатли текшириш утказиш биринчи босқичи назоратли харид яқунлангач, дуконга қирган вақтларида ушбу дуконда сотувчи сифатида турган 1988 йил 9 май куни тугилган Абдураимова Сайёрахон Абдурахимовна дуконга қирган солик инспекцияси ходимларини қонуний талабларини бажармасдан, текшириш утказишга жисмоний қаршилиқ курсатиб, дуконда булган текширувчи А.Абдурахмоновга нисбатан ҳақоратли сузлар ишлатиб, унинг чап билак ва елка соҳасини тишлаб олиб унга тан жароҳати етказган. Солик инспекцияси ходими А.Абдурахмонов узининг ҳамкасблари билан дуконни текшириш учун қирганларида дуконда Абдураимова Нодирахон борлигини ва унга узларини таништириб буйруқни курсатганларида, уша ерда булган Абдураимова Сайёра жанжал кутариб уларни дукондан чиқариб юбормокчи булганлигини, шунда вазиятни юмшатиш мақсадида шерикларига чиқиб туришлигини айтиб, дукон сотувчиси Нодирахонга синглисини тинчлантириш хақида гапираётган вақтда Сайёра унга сен нимага дукондан чиқмаяпсан деб уни туртиб чиқара бошлаганлигини, озгина тинч тургин деб огоҳлантирганлигига қарамасдан Сайёра узингдан қур деб чап кулини билак ва елка қисмини тишлаб олганлигини, уни тишлаётган вақтда қоч деб узидан узоклаштирган.

Вояга етмаган Абдураимова Сайёра ва солик инспекцияси ходими А.Абдурахмонов иккаласи ҳам суд тиббий экспертизасига юборилган. Хар иккиси ҳам бир-бирига олти кундан ошмайдиган енгил даражадаги шикаст етказганлиги экспертиза хулосалари билан аниқланган.

Вояга етмаган Абдураимова Сайёра Абдурахимовна тумандаги № 18 сонли мактабнинг 9 синфида уқийди. У узининг юкоридаги харакати билан яъни хизмат вазифасини бажараётган хокимият вакилини конуний фаолиятига фаол каршилиқ курсатган. Вояга етмаган Абдураимова Сайёра Абдурахимовна 16 ёшга тулмаганлиги сабабли унга нисбатан жиноят иши кузгатиш рад этилган лекин унинг тарбияси билан шугулланмаган ота-онаси Абдураимов Абдурахим ва Абдураимова Манзура Узбекистон Республикаси МЖТК нинг 47-моддаси билан маъмурий жавобгарликка тортилиши карорда курсатилган.

Вояга етмаган Абдураимова Сайёра :

Уша куни уйда тушга якин онам дуконда турган опамни олдига ёрдамлашиш учун юборди яъни онам Нодирахон тушлик килиб олсин деб. Солик инспекцияси ходимларини дуконга кирибок касса апарати ва арокка ёпишиб кетишди. Шунда мен уларга жим туринглар хозир дадамни айтиб келаман деб айтдим, солик ходимларидан бири сен аралашма, сен кичкина боласан деб кулимни кайириб юборди ва огрикка чидай олмасдан кулимни кайирган солик инспекцияси ходимини кулини тишлаб олдим ва дуконни ёпиб кетдик.

Комиссия аъзоси Х.Султонова :

Хурматли комиссия аъзолари, вояга етмаганлар билан ишлаш улар билан шугулланиш биринчи галдаги вазифамиз экан, буни ота-оналар хеч қачон унутмаслигимиз керак. Хозирги ҳолатда ота-она уз фарзандига таълим тарбия бериш, айниқса киз бола тарбияси жуда позик масала булгани учун унинг атрофдагилар билан муомиласи, ахлоқ ва одобига эътиборлирок булишлари керак эди. Менимча Абдураимова Манзурахон уз фарзандини яъни вояга етмаган кизи Абдураимова Сайёраходини савдо-сотик ишларига мутлоқ аралаштирмаслиги керак. Ота онасига нисбатан маъмурий жавобгарлик тугрисидаги кодекснинг 47- моддаси билан жавобгарлик тайинланса. Кизларини харакатларида жиноят харакатлари мавжудлиги карорда курсатилган. Уни албатта туман ВЕУХООГ назоратига олиниси лозим. Леки уни киз бола эканлигини, уни уртоклари уртасида уни ИИБга хисобга олинганлиги воқулай булиши мумкинлигини хисобга олсак. Унга уқиш жойидан яъни 18-мактаб маъмурияти томонидан жамоатчи-тарбиячи белгиланиб, махаллада ҳам педагог тарбиячи назорати кучайтирилса яхши буларди. Агар шунда ҳам уни хулқи узгармаса кейин каттиқрок чора кулласак.

Комиссия аъзоси Х.Ганиев сузи

Мен юкоридаги фикрларга кушилган ҳолда Абдураимова Сайёрани ВЕУХООГ назоратига олмасдан мактабдан жамоатчи –тарбиячи белгиланса, ҳар ой якунида олиб борган ишлари буйича туман хокимлиги хузуридаги вояга етмаганлар комиссиясига ахборотларини бериб борса. Бундан ташқари яшаш жойидан махалладаги педагог тарбиячиси ҳам мунтазам ушбу оиладаги вазиятдан хабардор этиб туриши керак. Ота онасини фарзандига таълим тарбия бериш вазифасини бажармаганлиги учун Уз Рес МЖТК сининг 47- моддаси буйича жавобгарликка тортиш шарт деб уйлайман.

Туман ички ишлар буліми ВЕУХООГ ноziри Шоирахон Мадаминова сузи.

Мен бу оилани купдан буён биламан, кизлари вояга етмаган Абдураимова Сайёра магазинларида савдо сотик ишларига ердам бериб келади. Жуда куп огохлантирганман вояга етмаган кизларини савдога куймасликларини. Мана оқибатда фарзандларига жиноят иши кузгатилиб, вояга етмаганлиги учун рад этиляпти. Умуман вояга етмаганларни савдо сотик ишларига аралаштириб булмайти. Буни ҳаммамиз биламиз, лекин амал килавермаймиз.

Мен ҳам Абдураимова Сайёрани ота –онасига фарзандига таълим тарбия бериш вазифасини бажармаганлиги учун амалдаги Узбекистон Республикаси МЖТК сининг 47- моддаси буйича энг кам иш хакининг икки бараваригача жаримага тортилса тугри булади деб уйлайман.

Туман прокурори М.Минавваров :

Хурматли комиссия аъзолари ! Мана Сиз билан биз вояга етмаган Абдураимова Сайёрахонни содир этган қилмишини муҳокама қилдик. Бу вояга етмаганни ушбу қилмишни содир этишига албатта ота-онаси сабабчи. Агар ота-онаси қизларига бошқалар билан муомала, одоб-ахлоқ борасида таълим бериб борганда эди шундай ҳолат содир этилмаган булар эди. Бу қандай гап бир вояга етмаган қизча давлат солиқ инспекцияси ходимларига жисмонан қаршилик қурсатса. Мен ушбу йигилишда булган гаплардан буларни ҳаммаси узларига тегишли хулосалар чиқариб олишади деб уйлайман.

Қун тартибдаги масала юзасидан комиссия аъзолари А.Кодиров, М.Саидғозиев, А.Бурниевлар ҳам юқоридаги сузга чиққанларни фикрларини қуллаб қувватладилар. Шундан сунг вояга етмаган Абдураимова Сайёрани отаси А.Абдураимов ҳам тушунтириш бериб бундан кейин вояга етмаган фарзандини савдо-сотик ишларига қуймаслигини, унинг тарбияси билан алоҳида шугулланишларини айтиб утди.

Вояга етмаганлар ишлари буйича комиссия Низоми ва Уз Рес. МЖТК нинг 247-моддаларига асосан йигилиш

КАРОР КИЛАДИ:

- 1 Вояга етмаган Абдураимова Сайёра Абдурахимовнага уқиш жойи 18-мактабдан 2003-2004 йил уқув йили охирига қадар жамоатчи тарбиячи тайинланиб, профилактик ишлар олиб борилсин ва натижаси ҳақида туман комиссиясига ҳар ойда ҳисобот бериб борилсин.
- 2 Вояга етмаган Абдураимова Сайёранинг отаси Абдурахим Абдураимовга Ўзбекистон Республикаси МЖТК нинг 47-моддаси билан энг кам иш ҳақини икки баравари 10,880 сум миқдорида жарима солинсин ва 15 кун муддат ичида Халқ банкига тулаш эслатиб утилсин.
- 3 Қарор манфаатдор томонларга маълум қилинсин ва ушбу қарорни бир нусхаси маълумот учун туман прокурорига юборилсин.
- 4 Мазкур қарорни назоратини уз зиммамда қолдираман.

Йигилиш раиси.

Масъул қотиб.



Б.Туракулов.

Ш.Якубова.